



Жуда кўп машхур адиблар Шарк маданияти ва адабиётига катта кизиқиш билан караган. Масалан, улуг олмон шоири Йохан Хёте “Шарку Гарб девони”ни тузган. Нобел мукофоти совриндори, рус мумтоз адиби Иван Бунинга ҳам Шарк, аникроги, мусулмон маданияти катта таъсир кўрсатган.

Иван Буниннинг диний кизиқишлари фақат Библия билан чегараланмаган эди. У Куръони карим таъсирида инсон ҳаёти ҳақидаги нодир, бошқа манбаларда учрамайдиган ҳақиқатларни топди. Исломга кизиқиш Бунинни мусулмон мамлакатларига саёҳат қилишга чорлади. 1903 йил апрелида ёзувчи илк бор Истанбулга борди. Адибнинг турмуш ўртоғи Вера Муромцева-Бунина бундай хотирлайди: “У биринчи марта Куръонни тўлигича ўқиб чиқди ва олам-олам таассурот олди, шу сабабли зудлик билан мусулмон ўлкасига бориш фикрига тушди”.

Бунин Куръони каримнинг М. Казимирский франсузчага ўгирган маънолар таржимасидан К. Николаев русчага ағдарган ва 1865 йили Москвада босилган нусхасини ўқиб чиқади.

Вера Бунинанинг сўзларига кўра, “Истанбулда кечган бир ой унинг маънавий ҳаётида энг муҳим, хайрли ва жўшқин воқеа бўлди”.

Айни шу сафарда “Ислом унда жуда катта таассурот колдирди”.

1907 йил бахорида Бунин мусулмон Шарки мамлакатлари бўйлаб узок муддатли саёхатга чиқади. Ёзувчи Истанбулдан ташқари ўша пайтлари Усмонлилар хукмронлиги остида бўлган Фаластин, Сурия, Лубнонда, сўнг Мисрда бўлади. Бир йил ўтиб яна Истанбулга боради, 1910 йил кўкламида эса Жазоир ва Тунисга сафар қилади. 1910 йил охирида Шри Ланка оролларига йўл олган ёзувчи яна Истанбул ва Байрутга (Лубнон) тушиб ўтади, Мисрда олти хафта қолади. Бунин Истанбулга хаммаси бўлиб ўн уч марта борган, умр йўлдошининг фикрича, “у Истанбулни Москвадай яхши биларди”. Буниннинг барча шарқона насрий ва шеърий асарлари ижодий фаолиятининг илк босқичида ёзилган. “Кадр тунни”, “Каъбадаги қора тош”, “Сир”, “Абадий”, “Мухаммад ва София”, “Маком”, “Кавсар”, “Тамжид” каби шеърлар шулар жумласидан.

Ориф Толиб тайёрлаган